

# МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

## БУХОРОНИНГ СЎНГГИ АМИРИ МАДРАСАСИ

**Шавкат Бобожонов,**

Осиё халқаро университети доценти в.б., тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори

[bobojonovsh2020@gmail.com](mailto:bobojonovsh2020@gmail.com)

**Аннотатсия:** Бухоронинг ўзаги илм демакдир. Унинг “Бихор”, “Мадина ал-аъсар”, “Фохира” – фахрли шаҳар, муқаддас замин каби таърифлари ҳам илму ирфон маркази эканига ишорадир. XX аср бошларида Бухоронинг сўнгги амири Амир Саййид Олимхон томонидан ўз номи билан курдирган мадрасаси ҳам шариф шаҳарнинг жаҳоний шухратини оширишга хизмат қилган маърифий муассасалардан биридир.

**Таянч сўзлар:** Бухоро, Амир Олимхон, Минораи Калон, амир, зиёратгоҳ.

## ПОСЛЕДНИЙ АМИРИ МАДРАС БУХАРЫ

**Аннотация:** Ядро Бухары – это наука. Его описания, такие как «Бихор», «Мадина аль-Асар», «Фахира» — гордый город, святая земля — также указывают на то, что это центр науки и знаний. Медресе, построенное последним эмиром Бухары в начале XX века Амиром Саид Олим-ханом, является одним из учебных заведений, послуживших приумножению мировой известности благородного города.

**Ключевые слова:** Бухара, Амир Олимхан, Минорай Калон, эмир, святыня.

## THE LAST AMIRI MADRAS OF BUKHARA

**Abstract:** The core of Bukhara means science. His descriptions such as "Bikhor", "Madina al-A'sar", "Fakhira" - a proud city, a holy land - also indicate that it is the center of science and knowledge. The madrasa built by the last emir of Bukhara in the beginning of the 20th century, Amir Sayyid Olim Khan, is one of the educational institutions that served to increase the world fame of the noble city.

**Key words:** Bukhara, Amir Olimkhan, Minorai Kalon, emir, shrine.

# МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

Амир Олимхон Минораи Калон орқа томонидан илгари ҳаммом сифатида фойдаланилган ташландиқ жойни обод қилиб, мадрасага айлантиришни режа қилди ва бу хайрли ишни 1914-1915 йилларда амалга оширади. XV-XIX асрларда бу ерда ҳаммом мавжуд бўлган, мадраса барпо этилаётганда ана шу ҳаммом миёнхонаси янги бино таркибига киритиб юборилган бўлган. Мазкур ҳаммом эгалари ҳам анчагина бўлган, узи эса Хожа Ахрор вақфига қарашли бўлган<sup>1</sup>.

Мадрасанинг қурилган йили бўйича баъзи маълумотлар 1912 йилни илгари суради. Аммо мозийшуносларнинг амир эсдаликлари орқали олиб борган тадқиқоти шуни кўрсатадики, бино тахминан 1914-1915 йилларга тўғри келади. Амир Олимхон ўзининг “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” китобида курдирган мадрасаси тўғрисида шундай деб ёзади: “Бухоро минорасининг паст томонида ўз номидан Дори-л-улум – билим уйи бўлган бир мадраса курдирдим, ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттирдим. Мазкур мадрасада истиқомат қиладиган талабалар сарф-харажатлари, маош ва кийим-кечак ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим. Уларнинг емак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вақтда етказардим”<sup>2</sup>. Бу фикрни рус олими Шишкин ҳам тасдиқлайди. Ўзининг “Рестоврация” номли китобида Амир эсдаликларида Бухоронинг қуйи қисмида “Дорул улум” - билимлар уйини қурилганлиги, у ерда турли фанлардан сабоқ берадиган донолар йиғилганлиги ҳамда билим юртининг харажатларини талабаларнинг емишларидан тортиб, китоб, кийим-кечак барчасини амир ўз ҳисобидан таъминланганини келтириб ўтган.

Бундан шуни англаш мумкинки, бу мадраса қурилган вақтда амир Олимхон вақф мулки ҳақида гапирмаяпти. Анъанага мувофиқ вақф мулкидан эмас, балки давлат таъминотидан фойдаланганлиги ҳақида гап бормоқда. Ҳукмдор томонидан барпо этилган мадраса тўлалигича амирга қараган. Олий даражадаги мадрасалар типига кирувчи муассаса Бухоронинг Ҳофиз Қўнғирот гузарида жойлашган бўлиб, унинг қурилишида 250 минг тилла сарф этилгани келтириб ўтилган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Бухоро. Биринчи қисм. (Ф.Абдухаликов, А.Раззоқов, К.Рахимов, Некрасова Е). – Тошкент: Uzbekistan today, 2016. – Б.324.

<sup>2</sup> Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. – Тошкент, 1991. – Б.8.

# МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

Амир Саид Олимхон ҳукмронлиги даврида таълим соҳасида ҳам ислохотларни амалга оширди. У 1911 йил март ойида “Таълим тўғрисида” фармон чиқарди. Унда қуйидаги вазифалар белгиланган эди:

– мадраса талабаларига турли ҳошиялар ўқитилмаслиги, тафсир ва ҳадис расмий дарс сифатида ўқитилиши;

– давлат хазинасига олинган вақфлардан йиғилган пулларга шаҳарнинг турли ерларида мактаблар қуриш ва уларга муаллимлар тайинлаш;

– мактаб муаллими олим, хушхат ва хушқироат бўлиши;

– уларга мактабларнинг вақфларидан ташқари давлат хазинасидан йиллик 120 рубль маош тайинлаш;

– таҳсил учун болалардан пул олмаслик;

– мактабларга бир нозир тайинлаш ва у ҳар ой мактабни тафтиш қилиб, амирга ҳисобот бериш ва бошқалар<sup>3</sup>. Мазкур фармон Амир Олимхонни нафақат мадраса қуриш билан чекланган, балки бутун мамлакат таълим тизими ҳақида қайғурганини билдиради.

Ғарб-шарк тикка ўқи бўйича чўзилган мадрасанинг тузилиши ҳам ғайриодатий. Ғарбдан шарққа қараб чўзилган бўйлама ўқда дарвозахона пештоқи, ундан кейин эса учта ҳовли жойлашган. Биринчи ҳовлининг масжид ва дарсхонанинг кенг хоналари симметрик тарзда жойлашган. “Хужраҳона” мақомига эга иккинчи ҳовлига кириш жойи ҳам пештоқ билан зийнатланган, унинг бутун периметри бўйлаб икки қаватда хужралар жойлаган. Бинонинг шарқий қисмида учинчи — хўжалик ҳовлисига олиб ўтадиган долон - йўлак жойлашган (хўжалик ҳовлиси асосан бир-бирига тақаб қурилган чўпқори хоналардан иборат бўлган, ҳозирги вақтда бутунлай бузилиб кетган)<sup>4</sup>. Бинони меъморий жиҳатдан безатишда европача архитектура элементларидан, масалан, карнизлар, тоқчалар, нимустун(яримустун)лардан кенг фойдаланилган, айти маҳалда мадрасанинг асосий меъморий шакллари анъанавий эканлиги ҳам кўзга ташланиб туради.

Икки қаватли мадрасани ташқи томондан кузатар эканмиз қурилиш услуби, декорацияси ўзгачалигини кўриш мумкин. Асосий кириш қисмида икки томондаги параллел турган кичик ғиштин гумбазлар ғоятда ғаройиб ва

<sup>3</sup> Ҳамраев М. Амир Саид Олимхон шахсияти // bukhar.uz. 15.04.2024.

<sup>4</sup> Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Бухоро. Биринчи қисм. (Ф.Абдухаликов, А.Раззоқов, К.Рахимов, Некрасова Е). – Тошкент: Uzbekistan today, 2016. – Б.324.

# МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

бежирим. Гумбазларнинг учида саккиз дерезачали узунчоқ пастгина минорачаларнинг борлиги бошқа мадрасаларда учрамайди. Яна бир алоҳида йирик гумбази борки, у бинога салобат ва маҳобат бағш этиб турмоқда. Бинога учта кириш эшиги мавжуд бўлиб, асосий кириш портали ўта жимжимадор ва бой фантазияли нақшлар билан безатилган. Кириш пештоқи пастроқ бўлсада, аммо унинг безаклари уни улуғвор қилиб намоён этган.

Асосий дарвозадан киришда катта айвон бор. У мураккаб ёғоч ўймакорлиги намуналари билан безатилган. Мадраса иккита катта зал ва 51 та хужрадан иборат. Бинонинг ташқи ва ички деворлари декорацияланган. Ғиштин бўртма нақшлар, фируза рангли ғиштин мозаикалар, геометрик шакл ва безаклар диққатингизни тортади. Ҳар бир хона алоҳида декорацияга эга. Ташқи деворларда асосан геометрик шакл безакларининг аниқ ишлатилгани гуё мадрасанинг олий таълим даргоҳи, аниқ дунёвий фанлар ўқитилишига ишора қилаётгандек. Хоналар ичкараси эса бўёқ санъати билан моҳирона безатилган. Амир Олимхон мадрасасини Шарқнинг машҳур илму маърифат марказига айлантиришни ният қилганига шубҳа йўқ.

Мадраса айвонининг тепа қисмида унинг қурилган йили, бино асосчисининг исми, унинг мақсад ва режалари ёзилган. Матн очик китоб шаклда икки вароқдан иборат. Ҳар бир саҳифа 4 қатордан иборат. Матн араб ёзувида (насталик) форс тилида ёзилган. Унда қуйидагилар ёзилган.

نظير بى مقام اين الحمد لله  
جهان خلاق لطف از تمام شد  
وحديث تفسير و فقه و علم بهر  
جهان سلطان ز شد صادر امر  
خيال مرات بنيادش سال  
عيان آخر مصرع دهد رو  
العلوم دارا اين تاريخ بانى  
بدان عادل شه خان عالم سيد

*Лиллаҳулхамд ин макоми беназир  
Шуд тамом аз лутфи Халлоқи жаҳон.  
Баҳри илму фиқҳу тафсиру ҳадис  
Амр содир шуд зи султони жаҳон.  
Соли бунёдаш миръоти хаёл  
Рӯ диҳад мисрағи охир аъён.*

# МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

*Бониш таърихи ин дорулulum*

*Саид Олимхон Шоҳи одил будан*

*“Аллоҳга ҳамд бўлсинки, ўхшаши йўқ бу макон*

*Оламни яратгувчи зотнинг марҳамати билан қуриб битказилди*

*Хаёл кўзгусида унинг қурилган йилини ёзиш учун*

*Минг мисра шеър ёзилиб, сўнгра аён бўлади.*

*Бу илм масканининг бунёдкори ва қурилиш санаси:*

*“Саййид Олимхон – одил шоҳдир, билгин”.*

*1333/1914-15 й<sup>5</sup>.*

Дарвозанинг ўнг томонидаги юқоридаги томонлари бўйлаб бухороча услубдаги ажойиб қийлатма ҳарфлар билан (наسخи бухорий) китоба битик ўйиб ёзилган. Зер-забарлар қўйилган. Битик аввалида (ўнг тарафдаги чекка бўйлаб) Паноҳ сўраб Аллоҳга илтижо қилиш дуоси (“таъаввуз”) ва “басмала” ёзилган. Кейин эса Қуръони карим “Бақара” сурасининг 255-ояти – “Оят ул-Курсий” битилган. Дарвозанинг чап тавақаси бўйлаб Қуръони карим “Нисо” сурасининг 124-126 оятлари насхи бухорий хатида ўйиб битилган.

Мадраса пештоқи қаносида куфий хатининг нақшинкор усулида оч кўк рангдаги харфлар билан “Таййиба” калимаси ёзилган. Китоба битик охирида тўқ кўк рангдаги кошинлар билан мадраса бунёд этилган сана (1333-1914-15 йил) ёзилган. Анчайин мураккаб ва қизиқарли ана шу эпиграфик композициянинг иккала тарафида, бир-биридан маълум масофада тагин куфий хатида тавъам – эгизак усулида – “Эй Аллоҳ” калимаси битилган.

Ғарбий равоқ қаносининг ўнг тарафида “Таййиба” калимаси куфий хатида битилган. Қаноснинг чап томонида ҳам айни ушбу калима куфий хатида тавъам услубида битилган. Ана шу эпиграфик композициялар жуфтлиги орасида - “Муҳаммад” пайғамбар исми ҳам куфий хатида тавъам услубида ёзилган<sup>6</sup>.

Беш йил давомида фаолият кўрсатган мадрасада дунёвий сабоқлар - табиий, аниқ ва бошқа муҳим фанлардан таълим берилган. Талабаларни илм олиши учун мўлжалланган маърифий муассасада дарс хоналаридан ташқари талабаларнинг ётиб туриши учун ҳам қулайликлар нозил этилган.

<sup>5</sup> Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Бухоро. Биринчи қисм. – Тошкент: Uzbekistan today, 2016. – Б.327.

<sup>6</sup> Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Бухоро. Биринчи қисм. – Тошкент: Uzbekistan today, 2016. – Б.339.

# МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

Илм даргоҳида пухта билим берилиб, шунингдек, замонасининг зукко олиму фузалолари йиғилганки, Амир Олимхон ушбу масканни академияга айлантиришни ният қилган. Йирик илмий муассасанинг айна шаҳарнинг бош маркази, Минораи Калон ёнидан танлангани ҳам бежизга эмас албатта. Ким Балким, Амир Олимхон илму нужум – фалакиёт илмини минора орқали тадқиқ этишни ҳам ният қилгандир.

Аммо, илм даргоҳи 1920 йилда Бухорога уюштирилган босқин даврида анчагина талофат кўрди. Минора томон йўлланган снарядлардан мадраса ҳам қаттиқ шикастланди. Мазкур йилда Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач мадраса умуман қаровсизлигича қолаверди. Кейинги йилларда бинода Павлик Морозов номли болалар кутубхонаси, Наршахий номидаги вилоят кутубхонаси фаолият кўрсатди.

Бугунги кунда бино ўта аянчли аҳволга келиб қолган. Гарчанд бино қурилганига қарийб бир аср бўлган бўлсада, аммо ўн аср олдинки иншоотдек таъмирталаб бўлиб қолган. Маълумки, 1972 йил 23 ноябрда Парижда “Умумжаҳон тарихий ва маданий меросни асраш ҳақида” Конвенция қабул қилинган эди. Ўзбекистон ҳам 1993 йилда мазкур конвенцияга аъзо бўлиб кирди ва тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Қатор обидаларимиз давлат муҳофазасига олиниб, реконструкция қилинди. Ушбу ёш обидани илмий реставрация қилиб, сақлаш қолиш даркор.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Бухоро. Биринчи қисм. (Ф.Абдухаликов, А.Раззоқов, К.Рахимов, Некрасова Е). – Тошкент: Uzbekistan today, 2016. – Б.324.
2. Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. – Тошкент, 1991. – Б.8.
3. Ҳамраев М. Амир Саид Олимхон шахсияти // bukhari.uz. 15.04.2024.
4. Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Бухоро. Биринчи қисм. (Ф.Абдухаликов, А.Раззоқов, К.Рахимов, Некрасова Е). – Тошкент: Uzbekistan today, 2016. – Б.324.
5. Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Бухоро. Биринчи қисм. – Тошкент: Uzbekistan today, 2016. – Б.327.
6. Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Бухоро. Биринчи қисм. – Тошкент: Uzbekistan today, 2016. – Б.339.